



Дарахтзорни туш кўрди у, оппок гуллаб ётган зардолизорни... Ок гулларни эзгилаб, югуриб кетаётганмиш, боши устидан гуллар ёмгир янглиг шовуллаб ёгилаётганмиш... Кўзларидан уйку сиёхи кочиби улгурмай онаси олдига чопди.

— Она, мен кетяпман. Зардолизорга,—деди у.

Онаси сигир согарди. Ўглига инда-мади. «Ха» ёки «йўк» демади. У ўглини ялдо кечасида, ўша зардолизорда туккан эди. Аёзли тунда, оппок гул тўшақда кўз ёрганди. Зардолизорнинг ялдо туни тугар махалда, тонгга якин музлаб колишганди, Аёл ўшандан буён умрида бирор марта ҳам зардолизор айнаи киш чилласида оппок гулга бурканганини кўрмади.

Ўгил покланишнинг тонгги палласини арикнинг бўйида ўтказди. Кийимлари момосининг уйида — бобосидан колган ёгоч сандикда эди. Момо уларга девордармиён кўшни турарди. У эшикдан киришга сабри чидамай, девордан ошиб ховлига тушди. Ховли ичи жим-жит, бирон кимсанинг кораси кўринмасди. Болалигида думбасидан узиб олган, остонага ҳеч зогни йўлатмайдиган қари кўппак — йўлбарс ҳам, тевақални тўзитаиб, хўрак илинжида ивирсиб юргувчи товуклар ҳам қайгадир гойиб бўлганди. У каттакон кулф осилган эшикка яқинлашаркан, момоси бир йил бурун омонатини топширгангани дафъатан эслаб қолди. Ноилоҳ изига қайтди.. Эгнидаги эски кийимлари билан йўлга тушди.

Автобуснинг ичи дим, ўриндикларнинг барчаси банд, тик туриб кетаётганлар ҳам бор эди. Орқа ўриндикда кош-киприклар, юзлари, хатто тирноқларигача оқариб кетган бир киз ўтирар, унинг ёнига ўтиришни ҳеч ким истамасди. Йигит тортинмай унинг ёнига бориб чўқди. Йўлривчилар унга зимдан кўз қирлари билан қараб қўйишди- Автобус ойнаси ортидан гуллаган дарахтлар кўрина бошлади; Йигит тушида кўрган зардолизорни ўнгида ун-дан-да гўзалроқ алфозда кўрди. Зардолизор кизнинг сочларидек оппок эди. Атрофда бундан ўзга дилтортар рангни топиш мушкул эди. Бу оқлик бағридаги барча мавжудрт кўзга аниқ-тиник ташланарди. Бу муфаззамир кўзни камаштирарди. Сўқир қиларди бу манзара.

У автобус ортидан қўл силқитмади. Оппок олам қўйнида ўзини танҳо сизди. Барибир қимдир бор эди. Сим-сим ёгаётган оқ ёмгир кўз очирмасди. Коп-қора қўйлаги оқ рангга беланди.

— Сиз... Сиз қаердан пайдо бўлдингиз?— Йигит ўпкасини босолмади.

— Кеча туш кўрдим. Оппок зардолизор... Ок гулларни эзгилаб қаёққадир югуриб кетаётганмишман. Гуллар ёмгир бўлиб устидан дув-дув тўкилармиш,— у бир маромда, охиста сўзларди. Рассом эди у. Зардолизорнинг сувратини чизаётганди оқ коғозга. Соқоли оқ эмасди унинг, оқ рангга бўялганди.

— Ишонайми сизга? Йўк! Овора бўласиз! Сиз қимсиз? Ўзингиз билмайсиз. Сиз... сиз ўгрисиз, эшитяпсизми, ўгрисиз! Менинг тушимни ҳам тинч қўймадингиз. Бу суврат сизники эмас ва у ҳеч қачон сизники бўлмайди. Нафрат изҳор этаман сизга, нафрат!

У ок гулларни эзгилаб, телбаларча югуриб кетди. Овозидан мольберт титраб тушди. Рассом пинак бузмади, бармоклари билан сувратни охиста силади.

Оёқлар гулларни эзгилади. Замин ок конга беланди.

Йигитнинг бадани , ўт-оташ бўлиб ёнарди. Кўнгирукни босди: чакалок йигисига ўхшаш овоз чикарди у. Эшик очилди. Каршисида Наргиз кулиб турарди. У аввал севиниб кетганидан бироз саросима ичида колди, сўнгра йигитнинг киёфасида акс этган безовталикини кўриб хавотирга тушди.

— Нима бўлди сенга?—деди. Наргиз ва ялтоклангандай унинг елкасига осил-ди. Йигит кизнинг кўзларида нур кўрмади.

— Билсанг, севаман уни...

— Наргиз ўзини унинг кучогидан халос этди.

— Менсиз;.. Менсиз яшай оласанми? Айт, Наргиз?!

— Сенсиз хам...

Кеча келгандими?

— Ха. Шу ерда тунади.

Бугун-чи? Бугун хам келар?..

— Бугун сен келдинг... Тентак. Йигит унинг кўзларидан кониб-кониб ўпарди. Аммо нур йўк эди бу кўзларда. Киз уни ётоқка чорлади.

Дераза ортида чинорлар бўй чўзган-ди ва улар орасида бир туп зардоли хам ўсганди. Зардоли оппок гулга бурканиб ётарди.

— Наргиз, мен бахтсизман. Огушим йўк — бахтсизман. Мени сев, Наргиз...

— Сени?.. Нега сен борсан? Нега у йўк?!

У ялдо тунда тугилганди. Йўргакдаги чакалок,сукунат, зим-зиё хона, шифтда тинмай Тўр тўкиётган ўргимчак, дераза ортида ёгаётган кор. У йиглашни билмасди. Дераза дарчасидан кор уч-кунлари бостириб кириб, унинг юзига кўнган захоти эриб кетарди.

Кунларнинг бирида йўргакдаги чакалок ерга тушиб кетди. Думалаб-думалаб йўргакдан халос бўлди. Ўрнидан турди ва калтираганча кадам босди. Онаси томон югурди.

«Зардолизорга, онажон зардолизорга». Она индамади. У сигир согарди.

Шамол деразани очиб юборди. Бутоқлардан тўкилган гуллар хонага учиб кирди. Тўшак гулларга тўлди.

— У курбон! У курбон!—гулларга кўшилиб учиб кирди бу дагал овоз. Эшик карс этиб ёпилди. Наргиз ўрнидан турмади. У кип-ялангоч эди.

«Шахид! Шахид!» Пичирлади ок гуллар. Тинмай ёгиларди ок гуллар. Олам зардолизорда эди. У шошиб кетиб борарди. Ок тун, ок ёмгир, ок гуллар шоширарди уни. Ханжар сопсиз эди.

Мольберт илкис силкинди. Суврат ерга охиста сиргалиб тушди. Ханжар жаранглаб кетди. Суврат учди, кунчиқар томонга учди. Ох шамол улиди. Унинг кўзлари гулга тўлди ва у йиглаб юборди.

«Олам бахтсиз бўлма менингдек».